

ИНТЕРРОГАТИВЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Д.Т. Нормаматова,
ўқитувчи, Гулистон Давлат университети, Гулистон

PRAGMATIC FEATURES OF INTERROGATIVE CATEGORY IN UZBEK AND ENGLISH.

D.T. Normamatova,
Lecturer, Gulistan State University, Guliston

Аннотация. Мақолада ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативлик категориясининг прагматик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: категория, прагматика, ифода, локутив, иллокутив, перлокутив, директив, нутқ акти, интеррогатив.

Аннотация. В статье рассматривается прагматическое сравнение и их грамматические особенности категории интеррогативность в узбекском и английском языках.

Ключевые слова: категория, прагматика, высказывание, выражения, локутив, иллокутив, перлокутив, директив, речевой акт, интеррогатив.

Abstract. The article enlightens the issues of studying pragmatic and grammar peculiarities of interrogations in Uzbek and English languages.

Key words: category, pragmatics, utterers, locutionary act, illocutionary act, perlocutionary act, directive, speech acts, interrogative.

Дунё тилшунослигида тил бирликларни прагматингвистик тадқиқида категориаллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фанлар мазмун-моҳиятига кўра категория тушинчаси турлича талқин этилади. Категория (юнон. *kategoria* – таъриф, мулоҳаза) – борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг тушунча. Маълумки, «категория» тушунчаси ўта кенг маънода талқин қилинади ва унда воқелик предмет-ҳодисаларининг энг умумий ва муҳим сифатлари, хусусиятлари, алоқалари ва муносабатлари ўз аксини топади [1].

Тилшуносликда категория тушинчаси бўйича бир неча талқинлар мавжуд бўлсада, умумий қилиб айтганда категория тил элементларининг муайян ўхшашлигига қараб таснифлашни билдиради. Тилшунослик соҳасида категория муаммоси қадимдан тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Тил аспектларининг муайян категорияларидан бири эса интеррогативлик категорияси бўлиб, тилшуносликда синтактик, семантик ва функционал сатҳда кенг ўрганилиб келинаётганлиги билан бир қаторда интеррогативларнинг турли ҳолатлар, ҳис-кечинмаларни тилда акс эттириш билан боғлиқ воситаларини когнитив прагматик йўналишда аниқлашга эътибор қаратилмоқда.

Шу туфайли, ўзбек ва инглиз тилларида ҳам интеррогатив гапларнинг нутқ актининг гуруҳлар кесимида, функционал-семантик турлари ва уларнинг ўзаро синкретлашув ҳолатларини ўрганиш, интеллектуал эстетик табиатига кўра универсал ва дифференциал қирраларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини бадиий асарларда акс этиш тамойилларини прагматик нутқ актларида кўрсатиш долзарб муаммолардан биридир.

Бугунги кунда нутқ актлари назарияси прагматика соҳасидаги муҳокамали, кизиқарли ва муҳим мавзуларидан биридир.

Нутқий акт назарияси илк бор инглиз философи Ж. Остин томонидан тадқиқ қилиниб унда муаллиф нутқий акт назариясини шакллантиришга, ва нутқий актни шакллантирувчи перформатив феъллар таҳлилига ҳамда нутқий акт турларини таснифлаш масаласига эътиборини қаратди. Олимнинг ушбу масаладаги илмий қарашлари “How to do things with words” китобида ўз аксини топди [2].

Ж. Сёрль Ж. Остиннинг нутқий акт ҳақидаги концепциясига таяниб ўзининг бироз мукамал гуруҳлашган янги нутқ акти концепциясини яратди ва ривожлантириди. Кейинчалик бу муаммо В. Хумбольдт, Ш. Балли, С. Карцевский, Л. П. Якубинский, К. Л. Бюллер, Э. Бенвенист, М. М. Бахтин ва бошқаларнинг лингвистик қарашларида ҳам ўз ифодасини топди.

Рус тилшунослигида нутқий фаолият ва нутқий акт масалалари Ю. Гладкова, А.А. Леонтьев, И. В. Кожухова, А. В. Логинов ва бошқалар томонидан ўрганилди, бу масаладаги мавжуд қарашлар умумлаштирилди ва тўлдирилди.

И. В. Кожухова талқинида нутқ акти марказий тушинча ва нутқ жараёнида тил воситаларидан фойдаланган ҳолда нутқ ҳаракатини мақсадли амалга ошириш, сўзловчига қаратилган нутқни маълум бир муайян мақсад билан ифода этишдир [3].

Нутқий акт масаласига Ш.Сафаров “Прагматингвистика” китобида алоҳида эътибор беради. Олим нутқий акт назариясининг прагматингвистик таълимотда тутган ўрнига баҳо беради, тилшуносларнинг нутқий акт ҳақидаги қарашларини бирма-бир таҳлил қилди ва уларга танқидий муносабат билдирди; нутқий актнинг локутив, иллокутив ва перлокутив турлари ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтади.

Нутқий акт мазмунининг шаклланиши, талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир [4].

Тил инсонларнинг ўзаро сўзлашиш ёки фикр алмашишлари асосида ривож топади. Бундай нутқ ҳаракатлари давомида лисоний бирликлар ўз маъносидан ташқари буюриш, сўраш, хайрат, таажуб каби бир қатор мазмун оттенкаларини ифодалаш имконига эга бўлиши мумкин.

Ш. Сафаров нутқ актни умумий таърифини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин, яъни нутқий акт сўзловчининг муҳим муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир[4] дея таърифлайди. Нутқий акт мазмуни тўлалигича мақсад ва натижа кўзда тутаяди. Прагматингвистлар нутқий акт мазмунини уч босқичли ҳаракатда эътироф этадилар: Локутив, иллокутив, перлокутив.

Биз ушбу бўлимда, ўзбек ва инглиз тилларида сўзлашув тилида ва бадий матнларда интеррогатив гапларнинг локутив, иллокутив ва перлокутив хусусиятларини, уларнинг универсал ва дифференциал томонларини, деннотаив ва коннотатив маъноларини анқлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Бизга маълумки, иллокутцион нутқ ҳаракати – бу шахс томонидан нутқ жараёнида ва нутқ орқали турли мақсадларни амалга оширувчи ҳаракат бўлиб, у коммуникатив мақсаднинг мулоқот жараёнида шаклланувчи турли муносабатларига боғлиқ. Ж. Сёрлнинг фикрича, иллокутив нутқ актининг билдирувчи факторлар сўзловчи, тингловчи, замон ва макон, мақсад ва психологик характерлар билан боғлиқ фаолиятдир [5].

Ушбу фикрни Ш. Сафаров маъқуллар экан, иллокутив акт бевосита мулоқот структурасининг иштирокчиси, коммуникацияни мақсадли ва мазмунли кўчишини таъминловчи нутқий фаолият бўлагидир [4] дея таъкидлайди. А. Кўчибоевнинг таъбирича, иллокутив ҳаракат мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ифодаланишидир [6].

А. Шомахмудовнинг таъкидлашича, мулоқот жараёнида нутқий тузилмалар ифодаланиши кўп ҳолларда сўроқ тузилмалар орқали амалга оширилади. Бу ҳолларда сўроқ ўзининг асл вазифаси, яъни ахборот олиш эҳтиёжи функциясидан чекинган ҳолда, тингловчини ҳаракатга ундаш вазифасини намоён этади. Шу туфайли нутқий актлар кишилар томонидан билвосита ва бевосита пайдо бўлиш табиатига эгадир [7]. Бундай фикрни прагматингвист олим К. Борисевич [8] нинг тадқиқот ишларида ҳам кузатишимиз мумкин. Иллокутивлик нутқ акти замирида пайдо бўлувчи билвосита ва бевосита нутқ актлари Ж. Остин, Ж. Сёрль, Ф. Реканати, Э. Трауготлар томонидан турли гуруҳларга ажратилиб таснифланади.

Кундалик ахборот алмашилишида эса кишилар орасида нутқ актининг ифодаланиши мураккаблаштирилган тарзда эмас, балки табиий равишда кечади. Нутқий актлар кўп ҳолларда сўроқ тузилмалар орқали ифодаланар экан, сўроқ нутқий тузилмаларининг иллокутив таснифидан келиб чиққан ҳолда ўзбек ва инглиз тилларда таҳлил қилишни лозим топдик.

Ушбу масалада яна Ш. Сафаровга мурожат қиламиз «инсон фаолияти маълум миллий маданият, муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид структуралар, тузилмаларда миллий колорит мавжуд бўлиши ҳам табиийдир» [1]. Шу туфайли тил ва маданият орасидаги муносабат мураккабликни ташкил қилади ва миллатлар тилида лисоний актлар турлича бўлиши мумкин.

Дунёда яшовчи ҳар-хил маданият вакиллари ахборот алмашилишларида ва прагматик воситалар қўлланилишининг турли қоидаларига эгадирлар. Баъзан улар янги ахборотга эга бўлиш учун ҳар-хил сўроқ воситаларини татбиқ этишлари ёки аксинча синтактик сатҳда шаклан ўхшаш бўлган мулоқот белгилари турлича прагматик маънони англатиши мумкин.

Директив нутқ актлари сўзловчининг тингловчидан ахборот олиши учун уни фаолиятга чорловчи нутқ ҳаракатларидир [3]. Директив нутқ актлари бошқа турдаги нутқ актлари сингари турли вазиятларга асосланган ҳолда адресатга нисбатан маълум шартларни назарда тутди [9].

Тилшунос олимларнинг директив нутқ актига бўлган ёндошувларига кўра директив нутқ актларига илтимос, савол, руҳлантириш, талаб, буйруқ, тақиқ, руҳсат (бериш, сўраш), таклиф, огоҳлантириш, маслаҳат, тавсия, ундаш (даъват этиш), насиҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш, сўроқ-тергов ва шу каби тингловчини фаолиятга ундовчи нутқлар киради. Ўзбек ва инглиз тилларида интеррогативликни касб этувчи мулоқот шаклларида қуйидаги директив нутқлар аниқланди: илтимос, руҳсат сўраш, истехзо, таажуб, маслаҳат бериш. Масалан.

-Тахмин:

– Сиз бу ерлар билан таниш эмассиз шекилли? (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 5 б.)

– Ёлғиз бўлмассиз, албатта? – сўради Тимпсон. (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 52 б.)

– Ҳой-наҳой сизни қариндошларингиз кутиб олишса керак? (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 11 б.)

– Наҳотки, у ўғри бўлса? (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри” (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 260 б.)

“You are not familiar with this part at the country, are you?” (Theodore Dreiser. “Sister Carrie” P 21.)

“Not alone, are you? Asked Hanson.” (Theodore Dreiser. “Sister Carrie” - P 68.)

“I suppose your people will be here to meet you?” He said. (Theodore Dreiser. “Sister Carrie” P 27.)

“He was no thief, many thoughts formulated themselves”. (Theodore Dreiser. “Sister Carrie” - P 276.)

Берилган мисолларда ўзбек тилида сўзловчи томонидан берилган гап *шекилли, албатта, керак* компонентлари орқали *предикативлик* (тахмин башорат қилиш)ни билдириб келмоқда. Сўзловчининг интенционалиги эса биринчи гапда тингловчининг турган жойи ҳақида аниқ маълумотга эга ёки эга эмаслиги ҳақидаги хабарни беришга ундаш, иккинчи гапда тингловчининг ёнида кимдир бўлиши ҳақидаги маълумотни билиш, учинчи гапда эса, тингловчининг ким томонидан кутиб олиниши ҳақидаги маълумотни айтишга ундашидир.

Инглиз тилида берилган биринчи ва иккинчи мисолларда *are you?* бирикмаси тасдиқни билидириб, сўзловчи томонидан тингловчини берилаётган хабарни тасдиқлашга ундаш бўлса, учинчи мисол даракни билдириш хусусиятига эга.

Кўриб турганимиздек, ўзбек тилида сўроқ гап таркибида *наҳотки, керак, шекилли, эҳтимол, балки* компонентлари *предикативлик* (гумон, тахмин, башорат) нутқ актини ифодаласа, инглиз тилида кўпинча бундай сўроқ гаплар *констативлик* (тасдиқ, дарак) нутқ акти мазмунида ифода этилади. Йиғилган фактик материаллар шуни кўрсатдики, ўзбек тилида сўроқ гапларда гумон, тахмин, башорат нутқий мулоқот доираси инглиз тилига қараганда кенг тарқалган.

Тасдиқ: *Шундай денг?* – деди Керри унга жавобан. (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 5. б.)

Чикагода нича бўласизку, шундайми? (Теодор Драйзер. “Бахтиқаро Керри”. 5. б.)

“Is it? she answered nervously?” (Theodore Dreiser. “Sister Carrie” – P 21.)

"You will be in Chicago some little time, won't you?" ?" (Theodore Dreiser. "Sister Carrie" – P 24.)

Ўрганилаётган тилларда сўроқ формалари маълум мулоқот муҳитида нола (ҳасрат), таажжуб, афсусланиш, жаҳл, киноя ва орзу қилиш каби экспрессив актларни бажариши аниқланди. Масалан: Таажжуб (ҳаяжон): Нонингизни бироз ушлаб турунг, сув ичиб олай, чанқаб кетдим.

Мен сизга пулингизни ололмайдим деб айтгани келдим.

А? ҳали шундай денг. (Теодор Драйзер. "Бахтиқаро Керри". 65. б).

Бугун квартира ҳаққини қистаб келувди.

"I come to tell you that-that I can't take the money".

"Oh, that's it, is it?" (Theodore Dreiser. "Sister Carrie" – P 81.)

"The man was here for the rent today".

"Oh, was he?" said Hurstwood?" (Theodore Dreiser. "Sister Carrie" – P 328.)

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида интеррогатив гаплар юқорида келтирилган экспрессив нутқ актларидан ташқари, констатив нутқ акти вазифасини бажариши аниқланган бўлса, бир товушли компонентдан иборат ҳаяжон-сўроқ каби экспрессив актлар фақат ўзбек тили материалларида учраганлиги маълум бўлди.

Савол-жавоб бирлигининг прагматик томони ҳақида гапирилганда, А. Н. Кузиннинг таъкидлашича, «... Идеал мулоқот умумий мақсадни назарда тутати ва бунда интеррогативликни билдирувчи вербал воситалар алоқанинг асосий иштирокчиларидир. Ҳақиқатда, диалогнинг ҳар бир иштирокчиси кўпинча ўз мақсадига интилади, агарда сўроқ верболизаторлари ноўрин ишлатилганда бу мулоқатга мос келмаслиги ва ҳаттоки мулоқат бўлмаслиги ҳам мумкин». [10]

Бизнинг қарашимизда, икки киши орасидаги коммуникация сифатида коммуникатив нутқда ҳар доим вербал воситаларнинг прагматикаси анча мунозарали. Чунки, диалогдаги тил нафақат алоқа воситаси, балки фикрлар алмашинувининг асосий манбаидир.

Кузатувларимиз натижасида, интеррогатив гапларнинг коммуникатив функционал таснифи нуқтаи назаридан ҳам нутқ жараёнида муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Интеррогатив гапларнинг коммуникатив функционал таснифи икки асосий гуруҳларни ташкил этиб, бу гуруҳлар: номаълум воқеа-ҳодиса ҳақида аниқ маълумот олиш учун тузиладиган сўроқ гаплар ва сўзловчи савол бериш билан бирга, бошқа мақсадни ифодалаш учун тузиладиган сўроқ гаплардир. Бундай саволлар, асосан, бирор таклиф қилиш, воқеликнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида тахмин қилиш, фактни баён қилиш, сўров ва алоқани ўрнатиш функциясини бажариш учун ташкил қилинади ва ҳ.к. Иинтеррогативларнинг функционал семантик турлари Л. П. Чахояннинг фикрига кўра қуйидаги гуруҳлари мавжуд: 1) верификатив савол; 2) аппелятив ; 3) такрорий савол; 4) ундовчи савол[11].

Олимнинг фикрича, сўроқ гапларни таснифлаш учун асоос қилиб, икки киши ўртасида кечадиган диалогни олинса, коммуникатив жараён аниқ мақсадга мувофиқ икки томонлама нутқий фаолият сифатида белгиланади. Шунинг учун ҳам саволнинг функционал-семантик турини аниқлаш унга бўладиган жавоб турини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Саволнинг энг кенг тарқалган функционал-семантик тури бу верификатив сўроқ тури бўлиб, воқеа - ҳодисанинг аниқлигини билиш учун қўлланилади. Масалан:

Did you water the flowers?

Гулларга сув қуйдингизми?

Ушбу сўроқ гап мазмунига хос бўлган аналитик ифода қуйидагича парафраза ҳам қилиниши мумкин.

I ask you whetheryou tripped watered the flowers?

Гулларга сув қуйганлигингизин сўрадим?

Берилган парафразаларнинг тўлиқ семантик таркиби нутқ ҳаракатларининг кўрсаткичларини ўз ичига олса-да, аммо булар гап таркибида саволни англатмаслиги мумкин. Чунки сўроқ гаплар фақат нутқ жараёнида тўғридан-тўғри бевосита амалга ошириладиган жараёндир. Бундай ҳолларда сўроқ гапларнинг махсус оҳангга эга эканлиги уларнинг алоҳида белгиларидан бири ҳисобланади.

"I suppose since Rozenstein was defeted foe mayor here he won't play".

"Won't he though?" (T. Dreiser. An American Tragedy. P. 350)

– Розенштейн ютқазма-ютқазма адо бўлди, энди ўйнамас керак.

– Шу гапингга ўзинг ишонасанми? (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б. 404)

Юқоридаги сўроқ ифодаси олдинги баёнотда аниқ ифода этилган хабарнинг ҳақиқат эканлигини аниқлаш учун берилиб, саволнинг ўзи ҳақиқатнинг мантикий семантик маъносини ифодалашга йўналтирилган. Шунинг учун ушбу ҳолатни верификатив реферал тур деб аташга асос бўла олади. Верификатив сўроқ турининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу турдаги сўроқ гап воқеанинг ҳаққонийлигини аниқлаш билангина эмас балки, унинг спецификасида факт намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштиради [11].

“Any word from Albany yet?” (T. Dreiser. *An American Tragedy*. P. 395)

– *Ҳой! Олбэнидан ҳалиям ҳеч гап йўқми?* (Т. Драйзер. Америка Фожеаси.

– Б.404)

Ушбу верификатив саволнинг коммуникатив шакли воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабарни вақтинчалик содир бўлиши ҳақидаги фактни аниқлаштириш учун хизмат қилади. Ушбу турдаги сўроқ гапларни коммуникатив жараёнда иштирок этиши нуктаи назаридан уларни текширувчи ва аниқлаштирувчи савол деб ҳам таснифлаш мумкин.

Агар савол тингловчининг фактга нисбатан муносабатини аниқлаштириш тўғрисидаги саволни билдирса, унда бундай савол мурожаатининг коммуникатив шакли аппелятивликни билдиради.

Аппелятив сўроқ турининг семантик структураси кўпинча эргаш гапларда тингловчининг саволга жавоб бериши билан бирга, унинг мақсадини аниқлаштиришни ўз ичига олади. Масалан:

“And you said that it was a lie, of course?” (T. Dreiser. *An American Tragedy*. P. 295)

– *Демак, ўшанда ёлгон гапирган экансиз-да?* (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б. 335)

“It’s very odd though, why did you do it?” (E. Hemingway. *Farewell to Arms*. P.13)

– *Барибир галати туюлади, нега бундай қилдингиз?* (Э. Хэмингуэй. Алвидо курул. – Б. 23)

Биринчи гапда сўзловчи томонидан бериладиган жавоб орқали маълумотга тингловчининг фикрини аниқлаштириш учун савол берилса, кейинги гапда сўзловчидан тингловчига аввал маълумот етказилиб, кейин савол сўралади.

Шундай қилиб, аппелятив сўроқ гап мулоқатда сўзловчи воқеа-ҳодиса ҳақида тингловчининг асосий гапнинг фактик маъносига бўлган муносабатини аниқлаштириш учун савол берганида пайдо бўлади.

Бундай турдаги коммуникатив сўроқ гапнинг сўроқ ифодаси такрорий савол сифатида ҳам ифодаланиши мумкин. Қайта сўроқ бериш – бу суҳбатдошнинг олдинги хабар мазмунига руҳий муносабатини билдириш билан боғлиқ нутқ ҳаракатидир. Қайта савол беришнинг тўлиқ семантик тузилишига суҳбатдошнинг руҳий реакциясини кўрсатадиган олдинги (ўтган замондаги) гапнинг семантик тузилишини номиназациялаш киради.

Ўзбек тилида такрорий саволни ифодалашнинг типик шаклларида бири бу фақат савол интонацияси билан якка ҳолда такрорланувчи -а савол верболизатори саналиб, гапда тўлиқ предикатив сифатида таажжуб ёки гумон семасини ифода этади. Бундай гапларда олдинги гапнинг семантик тузилиши предикатив ёки предикатсиз элементлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу ходисани ўзбек ва инглиз тилларида қандай ифодалани жараёнини кўриб чиқамиз.

Мен шунча пулингизни ололмайман деб айтгани келдим.

– *А?, ҳали шундай денг.* (Т. Драйзер. Бахтиқаро Керри. – Б.65)

“I came to tell you that I can’t to take the money”.

“Oh, that’s it, is it?” (T. Dreiser. *Sister Carrie* . P.81)

Катта мунғир кўлида ёки ўтлоқзорда бўлган эмасмидингиз?

– *А?, йўқ, сэр бўлмаганман.* (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б.. 157)

“You weren’t up at either Bigbitten or Grasslake by any chance? ”

- *“Why, no, sir, I wasn’t”.* (T. Dreiser. *An American Tragedy*. P 142)

Ўзбек тилида берилган мисоллардаги а? сўроқ парадигмалари ўртасидаги фарқли белги шуки, 1 гапдаги бир компонентга тенг ядро предикатив ўрнида иштирок этган сўроқ шаклда тасдиқ маъносини кучли тарзда ифодалайди, ўзбек тилидаги мисолларда сўроқ парадигмасини ҳосил қилувчи а? парадигма эса семантик жиҳатдан нима маъносига тенг инкор верификатив сўроқни ифодалайди. Яъни сўроқ шаклида пропозитив маъно устига коннотатив маъно қўшилади. Кузатишларимиз натижасида, инглиз тилида бир товуш ёки бир ҳарф билан аниқланувчи бундай сўроқ парадигмаси мавжуд эмаслигини гувоҳи бўлдик. Инглиз тилида 1 мисолда берилган сўроқ парадигмаси шаклида *is it?* икки

компонентдан иборат бирикмалайга тушиб тасдиқ сўроқ мазмунини ифодаласа, 1 ва 2 гапда *Why* ва *oh* компонентлари инкор маънони ифодалаши билан бирга сўроқ ёки қайта сўров мазмунини ҳосил қилмайди.

Мулоқат алмашинув жараёнида вужудга келувчи сўроқ гаплардан бири бу аниқловчи ва аниқлаштирувчи саволлар бўлиб, улар тингловчидан мавжуд маълумотга қўшимча маълумот олиш учун ишлатилади. Улар олдинги гап таркибидаги семантик тузилишнинг такомиллаштирилган асосида қурилган бўлиб асосий хабар берувчи элементларни такрорлаб келади. Ушбу сўроқ формасини шакл ва мазмун ҳолати инглиз ва ўзбек тилларида бир хил ҳолатга эга.

“Why, Grass Lake. We went out for a row after we got there in the afternoon”.

“Right away? In the afternoon ? ” (Т. Драйзер. *An American Tragedy*. P. 288)

– *Биз кундузи қайиқда сайр этмоқчи бўлдик.*

– *Кундузи-я? Бирдан-а?* (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б.327)

“When you left Lycurgus to start on the trip, how much did you have?”

“About fifty dollars”.

“About fifty”? (Т. Драйзер. *An American Tragedy*. P. 315)

– *Ликругдан чиқиб, шу саёғатга жўнаганларингизда қанча пулингиз бор эди?*

– *Сал кам элик.*

– *Салкам элик?* (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б.360)

3 - гапда савол ўрнида келган вербализаторлар модал ва психологик предикатлар билан боғлиқ бўлса, 4 гапда аргументга нисбатан ишлатилади. Қайта савол бериш нафақат гапнинг бир элементга нисбатан синтактик-семантик тузилишига, балки бутун коммуникативликка эга бўлган гапга ва унинг элементларига нисбатан муносабатларини билдириши мумкин.

Демак, сўроқ гапнинг такрорий сўров тури икки хил вазифани бажариши мумкин: тингловчига савол бериш, тушунтириш. Яъни олдинги гапнинг семантик тузилишида қатнашган элементга тўлиқ савол ва такрорий қайта савол. Бунда, ўзбек тилида сўзларга -а, -я ҳарфларининг қўшилиши ҳам сўроқ ва ҳам таъжжуб мазмунини ифодаланса, инглиз тилида ушбу мазмун дарак гапларда оҳанг кўтарилиш орқали юзага келади.

Юқорида берилган мисоллар сўроқ гапнинг икки функциясини акс эттиради: аниқловчи-тушунтирувчи ва аниқловчи -аниқланувчилардир: ҳар иккала мисолда ҳам такрорий савол гапнинг семантик тузилишининг семантик предикат элементи билан аниқлаш зарурийлигига боғлиқдир. Кўринадики, гапда савол акси аввалги маълумотларнинг айрим элементларига ойдинлик киритиш талабини билдиради. Тингловчи баёнотнинг маъносини англамаган ҳолатларда, изоҳловчи саволнинг номинатив шаклини қўлайди.

Ушбу предикат деграмматик шаклда ҳам намоён бўлиши мумкин:

“She understood how things were with me down there. But not about mis X”?

“Why not”? (Т. Драйзер. *An American Tragedy*. P. 278)

Лекин мис X тўғрисида гап бўлмаган эдимми?

Сабаб? (Т. Драйзер. Америка Фожеаси. – Б. 315)

Ушбу саволларда тушунтиришни талаб қилувчи элементларни ҳам савол мазмунига киритиш мумкин. Тушунтиришни талаб қилувчи саволлар кўпинча референциал ифодаларни аниқлаштиришда ишлатилади:

У Жюль Уоллес – машҳур спирит.

Ким бўлди ўзи у? (Т. Драйзер. Бахтиқаро Керри. – Б.46)

“that’s Jules Wallace, the spiritualist”.

Who is he”? (Т. Драйзер. *Sister Carrie*. P. 62)

– *Ишладим,*

– *Шундай денг! Қаерда?* (Т. Драйзер. Бахтиқаро Керри. – Б.56)

“Working,” said Carrie.

“you don’t say so! At what? ” (Т. Драйзер. *Sister Carrie*. P. 72)

Биринчи гапда эксплицит савол аниқ ифодаланган агенсга тегишли бўлса 2 гапда маълумотни тавсифлашни талаб қилувчи адресатга нисбатан савол тури ҳисобланади. Ушбу савол турида сўзловчи

тингловчининг хабаридан кейинги маълумотни айтишини кутаётган вазиятда савол билан мурожаат этади. Олдиндан кутилаётган савол тури синтактик семантикада антисипик саволлар деб аталиб, улар икки турга бўлиқ антисипик ва аниқлаштириш (конкретлаштириш) турларидир. Бўлиқ антисипик саволлар баёнотнинг кейинги маълумотларини билиш билан боғлиқ бўлса, аниқлаштириш эса баёнотнинг маълум бир қисмига тегишлидир.

Сўроқ, савол ва мурожаат маънолари эмоционал коннотациянинг адресатлик ва деннотатив маъноларига таянади. Шунинг учун ҳам грамматик шакл ва структураларнинг синтаксис ҳодисаларига бўйсунмаслик ҳодисаларининг бир кўриниши сифатида юзага чиқади [12].

Юқорида берилган ўзбек ва инглиз тилидаги сўроқ гаплар доирасидаги интеррогатив вербализаторлари орқали коммуникатив мақсадларни амалга оширувчи нутқ актлари ўзбек тилида сўроқ гап таркибини шакллантириш учун қўлланилиб нутқ вазиятининг турли хис-ҳаяжонли, эмоционал маъноли ситуатив грамматик шаклларга асосланмаган ҳолда ифода планига кўчиши мумкинлигини таъминлайди.

Ўзбек тилида ҳам интеррогатив воситалар (сўроқ элементлари, сўроқолмошлари) бўлмаганда, гапнинг бундай тури сўроқ интонациясининг ўзи орқалигина тузилиши ҳам мумкин. Бундай гапларда сўроқни ўз устига олган сўзнинг кўтарилган оҳангга эга бўлишидан ташқари бутун гап сўроқ тусига киради. Масалан – От ўлди, –деди, Мاستон... Турғуной бир ирғибтушди. Қўлининг оғриғини ҳам унуттаёзди. – От ўлди?! – ўлди... От ўлди ...(А.Қаҳҳор, Мастон.) [13]. Сўроқ гапни бундай йўл билан яшаш бошқа турларига нисбатан озроқ учрайди: бунинг махсус қўлланиш ўрни бор. Сўроқгапнинг бу тури бирор кутилмаган хабар эшитилганда, таажжубни ифодалаш учун ўша хабарни англатган дарак гапни такрорлаш бунда интонация орқали уни сўроққа айлантириш билан ҳосил бўлади. Бу йўлбилан тасдиқ ё инкор талаб қиладиган сўроқ гап туғилади (бунда интонация сўроқ юкламасининг ўрнини босади). Хуллас, ўзбек ва инглиз тилларида фикр алмашилиш жараёнида вужудга келувчи сўроқ гапларнинг маълум мақсадга кўра нутқий фактик ва верификатив, референциал ва антисиптик коммуникатившаклининг тилда ифодаланиши ўхшашдир. Аммо ядро компонент ўрнида бир ҳарф ёки товуш орқали такрорий мазмунни талаб этиб, гапда аниқлаштирувчи планига кўчувчи сўроқ ифодаси фақат ўзбек тилига хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор нашриёти, 2006. – Б. 53.
2. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-129.
3. Кожухова И. В. Прагматика косвенных интеррогативов. – Челябинск. ЧелГУ, 2019. – С. 23.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: 2008. – Б. 78.
5. Серль Дж. И Вандервекен Д. Основные понятия исчисления речевых актов // НЗЛ. Вып. 18. Логический анализ естественного языка. М.: 1986. – С. 242-243.
6. Кўчибоев А. Матн прагматикаси.(Ўқув-услубий қўлланма). – Самарқанд: СамДЧТИ, 2015. – Б. 22.
7. Шомахмудова А. Испан мулоқот матнида сўроқ шакли билан ифодаланган билвосита нутқий тузилмалар таснифи. Хорижий филология. – Самарқанд. №3, 2019. – Б.36.
8. Борисевич К. [Семантические типы русского интеррогатива](#) Opera Slavica. 1996. vol. 6, № 4. – С. 12.
9. Kreidler W. Charles. Introducing English semantics. – London: Routledge, 2002. – P. 189.
10. Кузин А. Н. Коммуникативно ориентированная связность и иллокутивная тактика вопросно-ответного диалога. Вестник. Журналистика. Педагогика. 2006. - № 3. – С. 63-68.
11. Чахоян Л. П. Синтаксис диалогической речи современного английского языка. – М.: «Высшая школа», 1979. – С. 84.
12. Нарзиев Н. Инглиз ва ўзбек тилларида сўроқ гаплар семантикаси. //Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти. – Самарқанд.: 2015. – Б. 93.
13. Ғуломов А. Ғ. Содда гап.–Тошкент.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1955.
14. Б. 13- 18.